

**“O’zmaxsusmontajqurilish” АК  
ягона акциядорининг  
2022 йил “8” июлдаги  
79/08-2-қр – сонли Қарорига  
7-илова бўлиб  
“ТАСДИҚЛАНГАН”**

**“O’zmaxsusmontajqurilish” акциядорлик компанияининг  
ИЖРОИЯ ОРГАНИ ТЎҒРИСИДА  
Н И З О М  
( я н г и т а ҳ р и р д а )**

**Тошкент шаҳар – 2022 йил**

## **1. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Мазкур Низом “O’zmaxsusmonajqurilish” акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда - компания) ижроия органининг мақомини белгилайди ҳамдаунинг фаолиятини, ҳуқуқятини, мақомини белгилайди ринингди.

2. Компаниянинг жорий фаолиятини бошқариш компания Устави ва ушбу Низом билан белгиланадиган ижро этувчи орган –бошқарув раиситомонидан амалга оширилади.

3. Акциядорлар умумий йиғилишининг қарорига кўра ижро этувчи орган ваколатлари шартнома бўйича тижорат ташкилоти (ишончли бошқарувчи)га берилиши мумкин. Агар компания Уставида ўзгача қоида назарда тутилган бўлмаса, шартнома шартлари Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

4. Мазкур Низом “Акцидорлик компаниялари ва акциядорлар хукуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 8 апрелдаги ПФ-101-сон Фармони, Вазирлар Маҳкамасининг “2021-2025 йилларда давлат иштирокидаги корхоналарни бошқариш ва ислоҳ қилиш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида”ги 2021 йил 29 марта 166-сон қарори ҳамда амалдаги бошқа қонунчилик ҳужжатлари ва Компания Уставига мувофиқ ишлаб чиқилган.

## **2. БОШҚАРУВ РАИСИНИ САЙЛАШ (ТАЙИНЛАШ) ВА ВАКОЛАТЛАРИНИ ТУГАТИШ ТАРТИБИ**

5. Компания Низомига асосан компания бошқарув таркиби 5 (беш) кишидан иборат.

6. Компания бошқарув раиси (кейинги ўринларда –бошқарув раиси) акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан уч йил муддатга сайланади (тайинланади). Бунда, бошқарув раисисифатида тайинланган (қайта тайинланган) шахс сурункасига **икки муддатдан ортиқ** бошқарув раиси бўлиши мумкин эмас.

7. Кенгаш таркибига қуйидагилар кириши мумкин:

бошқарув раиси ўринбосари;

бошқарма бошлиқлари ва бош бухгалтер;

компания фаолияти учун муҳим бўлган бош мутахассислар (бош иқтисодчи, бош энергетик, бош технолог ва бошқалар).

8. Бошқарув раисини сайлаш тартиби компания Уставида белгиланади. Бошқарув раисини сайлаш қоида тариқасида, хорижий менежерлар иштирок этиши мумкин бўлган танлов асосида амалга оширилади.

9. Бошқарув раиси лавозимига танлов ўtkазиш тартиби, номзодга қўйиладиган талаблар компания Кузатув кенгаши томонидан белгиланади.

10. Бошқарув раисини сайлаш (тайинлаш) тўғрисидаги акциядорлар умумий йиғилишининг қарори йиғилишда қатнашаётган компаниянинг овоз берувчи акциядорларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

11. Бошқарув раисилавозимига номзодлар ўзларининг номзодлари кўриб чиқилаётганда акциядорлар умумий йиғилишида қатнашишлари мумкин.

12. Бошқарув раисилавозимига номзод сайлангандан (тайинлангандан) кейин кузатув кенгаши у билан 3 (уч) йил муддатга шартнома тузади, шартноманинг амал қилиш муддатини узайтириш ёки уни бекор қилиш тўғрисида ҳар йили қарор қабул қилиниши мумкин. Шартнома компания номидан кузатув кенгашининг раиси ёки қузатув кенгаши ваколат берган шахс томонидан имзоланади. Бошқарув раиси билан тузиладиган шартномада унинг компания фаолияти самарадорлигини ошириш бўйича мажбуриятлари ҳамда компаниянинг йиллик бизнес-режасини бажариш қандай бораётганлиги юзасидан акциядорларнинг умумий йиғилиши ва компания кузатув кенгаши олдида берадиган ҳисботларининг даврийлиги назарда тутилиши керак.

13. Бошқарув раисига тўланадиган ҳақ миқдори компания фаолияти самарадорлигининг муҳим кўрсаткичларини бажарилиши билан тўғридан-тўғри боғлиқ бўлади ва шартномада белгиланади. Бунда, меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона рағбатлантириш сиёсати асосида ойлик иш ҳақи ва йил яқунлари бўйича бир йўла тўланадиган мукофот тўловлари миқдори кузатув кенгаши томонидан белгиланади. Кузатув кенгаши томонидан белгиланган тўловлар миқдоридан ташқари ҳар қандай қўшимча тўлов турлари таъкиқланади.

14. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки компания Кузатув кенгаши, агар компания уставига мувофиқ унга бундай ҳуқуқ берилган бўлса, Бошқарув раиси билан тузилган шартномани, агар у ушбу шартнома шартларини, компания уставини кўпол равишда бузса ёки унинг ҳаракати (ҳаракатсизлиги) билан компанияга зарар етказса, у билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш ҳуқуқига эга.

15. Компания томонидан солиқлар ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига бошқа тўловлар, давлат мақсадли фонdlари, иш ҳақи ва дивидендлар бўйича муддати ўтказиб юборилган қарздорлик ҳосил бўлганда, шунингдек, кетма-кет икки чорак мобайнида бизнес-режанинг асосий параметрлари бажарилмаган тақдирда, Бошқарув раиси билан меҳнат муносабатларини давом эттиришнинг мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги масала Компания Кузатув кенгаши томонидан кўриб чиқилади.

16. Акциядорлар умумий йиғилишининг Бошқарув раиси билан тузилган шартномани бекор қилиш ёки муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори йиғилишда қатнашаётган компаниянинг овоз берувчи акциядорларнинг - акциялар эгаларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

17. Кузатув кенгашининг бошқарув раиси билан тузилган шартномани муддатидан аввал бекор қилиш тўғрисидаги қарори мажлисда иштирок этаётган қузатув кенгаши аъзоларининг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

18. Акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки компания кузатув кенгаши томонидан директорнинг ваколатларини тугатиш тўғрисида қарор қабул қилинган тақдирда, унинг ваколатларини бошқа шахсга ўтказиш тўғрисидаги масала ўша йиғилишнинг ўзида ҳал этилиши ёхуд компания ижроия органининг раҳбари вазифасини вақтинча бажарувчи шахсни тайинлаган ҳолда акциядорларнинг яқин орадаги умумий йиғилишида кўриб чиқиш учун қолдирилиши мумкин.

## **2. КОМПАНИЯ ДИРЕКТОРИНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ**

19. Бошқарув раиси ваколатига компаниянинг жорий фаолияти раҳбарлигининг барча масалалари киради, акциядорларнинг умумий йиғилиши ёки Кузатув кенгашининг ваколатига кирган масалалар бундан мустасно.

20. Бошқарув раиси Компания Уставида, акциядорларнинг умумий йиғилиши ыярорларида, Кузатув кенгаши қарорларида, у билан тузилган меҳнат шартномасида ва қонунчилик билан белгиланган ваколатлари доирасида иш тутади.

21. Бошқарув раиси қўйидаги ҳуқуқларга эга:

компания номидан ишончномасиз иш юритиш, давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда компания манфаатларини ифодалаш;

компаниянинг банк ва бошқа молиявий ҳужжатларига биринчи имзолаш ҳуқуқи билан банкларда ҳисоб-китоб, валюта ва бошқа ҳисобварақлар очиш;

компаниянинг мижозлари, шунингдек, бошқа ташкилот ва корхоналар билан битимлар ва шартномалар тузиш;

компания номидан ҳужжатларни имзолаш;

ўз ваколатлари доирасида компаниянинг мол-мулки ва маблағларини тасарруф этиш;

ходимларнинг штат жадвалини белгилаш ва тасдиқлаш;

ходимларни ишга қабул қилиш, улар билан меҳнат шартномаларини тузиш ва бекор қилиш, уларга нисбатан интизомий жазо чораларини қўллаш, меҳнат ва ижро интизомига риоя этилишини таъминлаш;

Ўзбекистон Республикасининг меҳнат қонунчилигига ва меъёрий ҳужжатларига мувофиқ компания ходимларига иш ҳақини (барча турдаги устамалар ва меҳнати билаништирокэтишкоэффициентлари) белгилаш;

компаниянинг таркибий бўлинмалари тўғрисидаги низомларни ва компания ходимларининг лавозим йўриқномаларини тасдиқлаш;

компания номидан ишончномалар бериш;

компания таркибига киравчи корхоналарнинг бошқарув органларида унинг вакилларини компания номидан овоз бериш бўйича қўрсатма бериш;

компания хўжалик таваккалчилигини ва директорнинг жавобгарлигини суғурталашни амалга ошириш;

компаниянинг барча ходимлари учун мажбурий бўлган буйруқлар, фармойишлар чиқариш ва қўрсатмалар бериш;

компаниянинг ички меъёрий ҳужжатларини тасдиқлаш, акциядорлар умумий йиғилиши ёки кузатув кенгашининг ваколатига киравчи ички меъёрий ҳужжатлар бундан мустасно;

қонунчиликда, компания уставида ва меҳнат шартномасига мувофиқ бошқа ҳуқуқларларни амалга ошириш.

## 22. Бошқарув раисининг мажбуриятлари:

ўз ваколатлари доирасида компаниянинг самарали ва барқарор ишланини таъминлаш;

бошқарув раиси ўз ҳуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиш;

давлат муассасаларида, мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча ташкилот ва корхоналарда компания манфаатларини ифодалаш;

давлат ва компания учун муҳим бўлган ахборот ва масалаларни ўз расмий ижтимоий саҳифаларида ошкор қилиш;

компанияни ривожлантириш дастурлари ва бизнес-режалари ишлаб чиқилишига раҳбарлик қилиш, уларни ташкил этиш ва бажарилишини назорат қилиш;

компанияда бухгалтерия ҳисоби ва ҳисоботини ташкил этиш, уни ишончлигигилигини таъминлаш, йиллик ҳисоботлар ва бошқа молиявий ҳисоботлар тегишли органларга ўз вақтида белгиланган тартибда тақдим этиш;

хар чоракида йиллик бизнес-режанинг бажарилиши, компания томонидан амалга оширилган харидлар тўғрисидаги ҳисботи тўғрисида Кузатув кенгашига ҳисбот бериш;

компаниянинг молиявий-хўжалик фаолияти тўғрисидаги ҳужжатлар компаниянинг Кузатув кенгashi ёки компания аудитори талабига кўра тўсиқларсиз белгиланган тартибда тақдим этиш;

компания ходимлари томонидан хизмат ёки тижорат сирини ташкил этувчи ахборотларни сақланишини таъминлаш, шунингдек тижорат сирини ташкил этувчи маълумотлар рўйхатини Кузатув кенгashi томонидан белгилашни ташкиллаштириш;

компанияни ихтисослашган ходимлар билан таъминлаш, шунингдек ходимларининг билими, малакаси, тажрибаси ва қобилияларидан энг яхши фойдаланиш чора-тадбирларини кўриш;

ўзининг ҳамда компания мансабдор шахсларининг ўкув курслари, семинарлар ва бошқа тадбирларда иштирок этиш орқали малакасини оширишни таъминлаш;

мехнат ва ички тартиб интизомига риоя қилиниши таъминлаш;

ижтимоий кафолатларга риоя қилинишини ва компания ходимларининг меҳнатини муҳофаза қилинишини таъминлаш;

жамоа музокараларида ижроия органи вакилларининг иштирокини таъминлаш, жамоа шартномалари ва битимлар тузилишида иш берувчи сифатида қатнашиш, жамоа шартномаси бўйича мажбуриятларни бажариш;

ўз ваколатига тегишли ишларнинг ҳолати тўғрисидаги ахборотни акциядорларнинг умумий йиғилишига ва компаниянинг Кузатув кенгашига белгиланган муддатда тақдим этиш;

агар, компания томонидан битим тузилишида у аффиланган шахс ҳисобланган тақдирда, кузатув кенгашини хабардор қилиш;

компания мулкини бегоналаштиришни, уни сотиш шакли ва механизмини, давлат иштирокидаги корхоналар ва уларнинг таркибидаги корхоналар устав капиталига учинчи шахслар томонидан инвестиция киритиш бўйича келишувларини (битим, шартнома, меморандум ва бошқалар) мажбурий тарзда олдиндан кузатув кенгаши билан келишиш;

компания асосий фаолиятига хос бўлган янги кўчмас мулк обьектларини сотиб олиш ёки қуриш ҳамда хўжалик компаниялари устав капиталидаги улушни сотиб олиш, шунингдек, асосий фаолиятидан ташқари қўшимча фаолият билан шуғулланишни фақат кузатув кенгашининг тегишли қарори қабул қилинганда амалга ошириш;

устав фондида давлат улуши 50 фоиз ва ундан ортиқ бўлган компаниялар кўчмас мулклари, автомототранспорт воситалари ҳамда бошқа асосий воситаларини “E-auksion” электрон савдо платформасидаги ижарага берилишини таъминлаш;

ички ҳужжатларга, амалдаги қонун ҳужжатларига ва бошқа меъёрий ҳужжатларга мувофиқ бошқа мажбуриятларни бажариш.

23. бошқарувнинг аниқ ҳуқуқлари ва мажбуриятлари у билан келишилган ҳолда меҳнат шартномасида белгаланади.

24. Бошқарув раиси вазифаларини бошқа ташкилотларнинг бошқарув органларидаги лавозим билан биргалиқда эгаллаб туришга фақат компания кузатув кенгашининг розилиги билан йўл қўйилади.

### **3. КОМПНИЯ БОШҚАРУВИННИНГ ИШЛАШ ТАРТИБИ**

25. Компания бошқарувининг йиғилишини ўтказиш бошқарув раиси томониан ташкил этилади.

26. Компания бошқарувининг йиғилиши заруриятдан келиб чиқиб ўтказилади, бироқ ҳар ойда камида бир марта. Йиғилишни ўтказиш учун кворум бошқарув аъзолари сонидан келиб чиқиб, 75 фоидан кам бўлмаслиги лозим.

27. Бошқарув йиғилиши бошқарув раиси ёки кўриладиган масалани моҳиятидан келиб чиқиб, бошқарув раиси ўринбосари томонидан ўтказилади.

28. Кенгаш компания низоми ва ушбу низомга асосан унинг ваколатига кирадиган масалаларни кўриб чиқади.

29. Кузатув кенгаши ва акциядорларнинг умумий йиғилиши қарорига киритиладиган масалалар олдиндан кенгаш йиғилишиа кўриб чиқилиши лозим.

30. Бошқарув йиғилишида қарорлар йиғилишда иштирок этган аъзоларнинг мутлоқ кўпчилиги томонидан қабул қилинади. Овозлар teng бўлиб қолган тақдирда, бошқарув раисининг овози ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлади.

31. Кенгаш йиғилишлари баённома билан расмийлаштирилади. Йиғилиш баённомасида қуйидагилар акс эттирилиши лозим:

йиғилиш санаси, вақти ва жойи;

йиғилишда иштирок этган бошқарув аъзолари рўйхати;

йиғилиш қун тартиби;

овозга қўйилган масалалар, овоз бериш натижалари (бошқарувни ҳар бир аъзосини овози натижалари кўрсатган ҳолда);

қабул қилинган қарорлар.

32. Кенгаш йиғилиши баённомасидан кўчирма талабига қўра кузатув кенгаши, бошқа ваколатли шахслар ва кенгаш раисини розилиги билан аудиторлик ташкилотига берилиши мумкин.

33. Йиғилиш баённомаси икки нусхада таёrlанади ҳамда йиғилишда иштирок этган бошқарувнинг барча аъзолари томонидан имзоланади.

34. Йиғилиш баённомалари қонунчиликда белгиланган муддатларда компанияда сақланади.

#### **4. КУЗАТУВ КЕНГАШИ БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТ**

35. Бошқарув ҳар чорақда компания кузатув кенгаши олдида қуйидаги масалалар бўйича ҳисбот беради:

компаниянинг молия-хўжалик фаолияти;

бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши;

кузатув кенгаши ва ягона акциядор қарорларининг ижроси.

Кузатув кенгашининг чораклик йиғилиши кун тартибига компания бошқаруви ва кузатув кенгаши ташаббуси билан бошқа масалалар киритилиши мумкин.

36. Кузатув кенгаши компания бошқарувини Кузатув кенгашининг навбатдаги ва навбатдан ташқари йиғилишининг санаси, вақти, жойи ва кун тартиби тұғрисида хабардор қилади. Бошқарув йиғилишдан камида 3 кун аввал кун тартибидаги масалалар бүйича маълумотларни тақдим этади.

37. Бошқарув раиси ёки альянсардың әкімінің орынбасарының кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишини үтказилишини талаң қилишга ҳақла.

Бундай вазиятда, талабномада бошқарув кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилиши кун тартибига киритилаёттан масалалар рўйхати ва барча асосларни кўрсатиди, зарур материалларни тайёрлайди ва Кузатув кенгашига тақдим этади.

Кузатув кенгаши тақдим этилган масалалар ва материалларни ўрганиб чиқиб, йиғилиш санаси, вақти ва жойини бошқарувга маълум қилади ҳамда 10 иш кун ичиде кузатув кенгашининг навбатдан ташқари йиғилишини үтказиди.

38. Кузатув кенгаши йиғилиш баённомасининг нусхасини имзоланган куни бошқарувга тақдим этади.

#### **4. ЯГОНА АКЦИЯДОР БИЛАН ЎЗАРО МУНОСАБАТ**

39. Бошқарув йил якунлари бүйича компания ягона акциядорига қуйидаги масалалар бүйича ҳисобот беради:

компаниянинг молия-хўжалик фаолияти якунлари;  
йиллик бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши;  
компания стратегиясининг ижро ҳолати;  
йиллик бухгалтерия баланси, соф фойда ёки заарини тасдиқлаш;  
ташқи аудиторлик текшируви натижалари;  
ягона акциядор қарорларининг ижроси.

40. Компания агона акциядорининг йил якунлари бүйича қарорига киритилган масалалар бүйича Кузатув кенгашининг топшириғи билан зарур материалларни тайёрлайди.

41. Ягона акциядор томонидан компания кузатув кенгашига юборилган хабарнома бошқарув томонидан материалларни тайёрлашга асос бўлиб хизмат қайлади.

42. Ижроия органи Ягона акциядор йиғилишига қуйидаги маълумотларни тадим этади:

компаниянинг молия-хўжалик фаолияти якунлари ва бизнес-режа кўрсаткичларининг бажарилиши тұғрисида ҳисобот;

ташқи аудиторлик текширувихулосаси;

молиявий натижалари, бухгалтерия баланси, фойда ва заарлари тўғрисида ҳисбот;

компания ташкилий тузилмаси;

компания ички хужжатларига киритилаётган ўзгатиришларнинг лойиҳалари.

43. Кун тартибига киритилган масалалар бўйича барча материаллар Ягона акциядор йиғилишидан камидаги 10 иш кун аввал компания кузатув кенгашига тақдим этилади.

44. Молиявий натижалар, бухгалтерия баланси, фойда ва заарлари тўғрисида ҳисботда акс эттирилган маълумотлар ташқи аудит ҳисботларига асосланган бўлиши талаб этилади.

45. Ягона акциядорнинг навбатдан ташқари йиғилиши кун тартибига киритилган масалалар бўйича барча материаллар Ягона акциядорнинг навбатдан ташқари йиғилишидан камидаги 10 иш кун аввал компания кузатув кенгашига тақдим этилади.

## **5. КОМПАНИЯБОШҚАРУВ РАИСИ ВА УНИНГ АЪЗОЛАРИНИНГЖАВОБГАРЛИГИ**

46. Бошқарув раиси ўз хуқуқларини амалга оширишда ва ўз мажбуриятларини бажаришда компаниянинг манфаатларини кўзлаб иш тутиши лозим ҳамда белгиланган тартибда жавобгар ҳисбланади. Агар ушбу банд қоидаларига мувофиқ бир нечта шахс жавобгар бўлса, уларнинг компания олдида жавобгарлиги солидар жавобгарлик бўлади.

47. Бошқарув раиси ўз вазифасини бажармаганлиги ёки зарур даражада бажармаганлиги, натижасида компанияига етказилган заар учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун хужжатларига ва компания Уставига мувофиқ компанияига етказилган заарни қоплаш бўйича тўлиқ ҳажмида компания олдида жавоб беради.

48. Компания ёки компаниянинг жойлаштирилган оддий акцияларининг ҳаммаси бўлиб камидаги бир фоизга эга бўлган акциядор (акциядорлар) компанияга етказилган заарларни қоплаш тўғрисида бошқарувга нисбатан даъво билан судга мурожаат этишга ҳақлидир.

## **6. ЯКУНИ ҚОИДАЛАР**

49. Ушбу низом компания ягона акциядори томонидан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.

50. Ушбу низомга қонунчилик ва компания уставига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалардан келиб чиқиб, тегишли ўзгартириш ва қўшимчаларни киритиш мумкин.

51. Ушбу низомга киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар Ягона акциядор қарори билан тасдиқланган кундан бошлаб кучга киради.